Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 21-avgust, payshanba № 101 (3450)

Ён-атрофимиздаги халқлар билан дўстлик ва аҳилликни биз бениҳоя қадрлаймиз. Бу — бизнинг энг катта бойлигимиз, қудрат ва шаън-шавкатимиз манбаидир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон — Хитой: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи доирасида 20 август куни ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашди.

Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримовнинг ушбу ташрифи давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилиши, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил кенгайтиришга янги суръат бағишлаши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Пекин музокаралари доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳалар бўйича йигирмадан зиёд ҳужжат, шунингдек, 800 миллион доллар миқдорида савдо шартномалари имзолангани ва шу тариқа жами 6 миллиард долларлик келишувга эришилганини таъкидлади.

Ли Кэцян ташриф натижаларини юқори баҳолади ва Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан давом этиб, мустақил тараққиётдан оғишмай юксак натижаларни қўлга киритаётганини қайд этди. Хитой Ўзбекистон билан бундан буён ҳам алоқаларни ўзаро ишонч, ҳурмат, тенглик ва манфаатдорлик, стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожлантириб боришга тайёр эканини билдирди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик кўламини изчил кенгайтириш учун Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам юксак салоҳиятга эга экани, Президент Ислом Каримовнинг давлат ташрифи бу борада янги имкониятлар очгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Шэньси провинциясидаги қадим Сиань шаҳрига ташриф буюрди.

Хитой марказидаги мазкур шаҳарнинг тарихи 3000 йилдан ошади. Айрим манбаларга қараганда, бир вақтлар у аҳоли сони ва ҳудуди жиҳатидан нафақат Чин юрти, балки бутун дунёдаги энг йирик шаҳар бўлган. Шу билан бирга, Хитой императорларининг ўн уч сулоласи даврида мамлакат пойтахти мақомини эгаллаган.

Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаларидан бирида жойлашган ушбу шаҳар теграсида кўплаб қадимий мақбаралар, хусусан, император Цинь Шихуандининг терракота армияси билан бирга дафн қилинган мақбараси бор.

Президент Ислом Каримов Сианнинг қадимий обидалари билан танишувни терракота армияси музейидан бошлади. Бу ердаги саккиз мингдан зиёд аскар, гарчи сополдан бўлса-да, ҳақиқий жанговар от-аравалари ва қурол-аслаҳалари билан ўз даврининг энг қудратли армиясини намоён этади. Улар 1974 йилги қазишма ишлари даврида эрамиздан аввалги 210-209 йилларда мамлакатни бирлаштирган император Цинь Шихуандининг мақбараси атрофидан топилган. 1987 йилда терракота армияси ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Мамлакатимиз раҳбари музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов Сианда қадимий шаҳар деворини кўздан кечирди.

Деворнинг асосий шарқий дарвозаси олдидаги майдонда энг ҳурматли меҳмонларга кўрсатиладиган иззат-икром ва ҳурмат-эҳтиром маросими ўтказилди — Ўзбекистон Президентига тантанали равишда Сиань шаҳрининг рамзий калити тақдим этилди.

Шаҳар тарихий қисмининг камарига айланган бу девор XV-XVII асрларда ҳукмронлик қилган Мин сулоласи даврида барпо этилган. Ўз даврида у ташқи томондан чуқур ҳандақлар билан ҳам ўралган ва мустаҳкам истеҳком вазифасини ўтаган. Муайян қисмларида барпо этилган қалъалар ташқарига чиқадиган кўприк билан жиҳозланган ва айни пайтда ишончли мудофаа иншоати бўлган.

Деворнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг ўлчамларидир. Бўйи 15, эни 12 метрга етадиган бу девор устидан қадимги даврнинг барча транспорт воситалари, оғир жанговар-техникавий аслаҳалари, катта миқдордаги жангчилар бемалол ҳаракатлана олган. Унинг туннеллари ва туйнуклари эса шаҳар мудофаа қудратини янада оширган.

Президент Ислом Каримов Сиань нафақат ўзининг бетимсол обидалари, балки юксалиб бораётган иқтисодий қудрати билан ҳақли равишда Хитойнинг энг диққатга сазовор шаҳарларидан бири эканини таъкидлади.

Шаҳарга ташриф асносида давлатимиз раҳбари Шэньси провинцияси партия қўмитаси котиби — Халқ вакиллари кенгаши раиси Чжао Чжэнюн ва провинция ҳокими Лоу Циньцзянь билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга давлат ташрифи самарали кечаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва Хитойнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, жумладан, Самарқанд билан Сиань ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябр ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи асносида Самарқанд ва Сиань ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатиш тўғрисида фикр билдирилган эди.

Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг она юрти бўлган ушбу шаҳар билан рўйи замин сайқали бўлган Самарқанд ўртасидаги муносабатларнинг янги даражага кўтарилишида ва Президент Ислом Каримовнинг Сианни зиёрат қилишида чуқур рамзий маъно бор. Давлат раҳбарларининг ўзаро ишончи ва ҳурмати мамлакатлараро ҳамкорлик алоқаларининг юксак ривожи учун асос бўлиб, халқларимиз ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи сиёсий, иқтисодий натижалар билан бир қаторда юксак инсонийлик ютуқлари туфайли ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррардир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Пекин — Сиань — Тошкент.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдидан

Муқаддас диёр мадҳи

«Туркистон» саройида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

4-саҳифа

Навоий вилояти Нурота туманининг Саиджон Эшон массивида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 25 замонавий уйнинг калити эгаларига топширилди.

Ўтган давр мобайнида вилоятда 2060 намунавий лойиҳалар асосидаги уйлар барпо этилди.

— Қишлоғимиз қиёфаси тобора замонавийлашиб, одамларнинг турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда, — дейди меҳнат фахрийси Турсунбой

ТЎЙГА МУНОСИБ ТЎЁНА

Бўтаев. — Бугунгидек шароит ва имкониятларни илгари тасаввур ҳам қилмаганмиз. У кезларда ягона лойиҳа деган гаплар йўқ эди-да. Ким қаерни маъқул кўрса, ўша ерда қурби етганича уй кўтариб олаверар эди. Ҳозиргидек инфратузилма деган гапларни биров эшитган эмас. Давлатимиз раҳбари қишлоқ одамларининг ҳаётини ўйлаб, бизнинг замонавий шароитларда яшашимиз учун жон куйдираётган экан, биз шу эътиборга муносиб бўлишимиз керак.

Маълумотларга кўра, жорий йилда вилоятда 677 ана шундай уй барпо этилади. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида уларнинг аксарияти ўз эгаларига топширилади.

ЎзА

Истиқлол ғунчалари

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Озод юрт ҳавосидан нафас олиб вояга етган авлод эришаётган ютуқлар бисёр.

Орзулар ушалгуси...

Шукуржон Шукуров Пахтачи туманида туғилган. Болгариянинг Варна шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган комбат айкидо бўйича Евроосиё очиқ чемпионати кечагидек ёдида. Ўшанда у бир йўла учта олтин медал соҳибига айланган эди-да!

— Дастурхон бошида ўтирганимизда ота-онам доимо уқтиришади. Устозларимнинг ўгити ҳам шундай: «Президентимиз орзу қилган авлод бўлиб етишиш лозим». Мактабга қатнай бошлаганимданоқ мана шу туйғу сира тинчлик бермайди. Биз комил инсон бўлишимиз керак, — дейди Шукуржон. — Бунга эса яхши ўқиб, жисмонан ва маънан етуклик билан эришилади. Шу боис ёшлигимданоқ спортга меҳр қўйдим. Комбат айкидо тури билан шуғуллана бошладим. Бунинг учун қишлоқларда ҳам шарт-шароитлар етарли. Тажрибали устоз ва мураббийлар ёрдамида маҳоратимни ошира бориб, турли мусобақаларда ғолибликни қўлга киритдим.

(Давоми 4-саҳифада).

Тажриба алмашув

Касаба уюшма тизимидаги ислоҳотлар бошланғич ташкилотлар етакчиларини изланишга ундамоқда. Бу борада илғорлар тажрибаси билан яқиндан танишиш муҳим аҳамият касб этаётир. Яқинда Жиззах вилоятидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларидан бир гуруҳи самарқандлик ҳамкасблари билан тажриба алмашди.

Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб

Самарқандда фаолиятини давр талаби асосида ташкил этаётган бошланғичлар оз эмас. Шулардан бири «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд филиали касаба уюшма ташкилотидир. Бу ерда меҳнат қилаётган 1400 нафар ходимга етарли иш ва меҳнат шароити яратилган. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корхонада махсус спорт зали барпо этилган бўлиб, саломатликни мустаҳкамлашга доир барча зарур анжомлар билан жиҳозланган. Туман ва шаҳар почта алоқаси бўлимларида цех касаба уюшма ташкилотлари мавжуд. Зарарли, ноқулай меҳнат шароитида ишлаётган ходимлар кўзда тутилган барча имтиёздан фойдаланмоқда. Жиззахлик етакчилар бу ерда маъмурият ва касаба уюшма томонидан ташкил этилаётган тадбирлар, иш услуби, ташкилий, маданий тадбирларга маблағ йўналтиришнинг амалий шакли билан яқиндан танишди.

— Тизим ходимларига нафақат иш шароити, балки уларнинг турмуш даражасини яхшилашгача бўлган жараёнда маъмурият ва касаба уюшмасининг бақамти иш юритиб келаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди ОАТ «Алоқа банк» Жиззах филиали касаба уюшма қўмитаси раиси Нодира Эгамова. — Олтита ёш оиланинг ташкилот кўмагида намунали лойиҳа асосида барпо этилган уйларга эга бўлганлиги эътиборга молик.

— Соҳада янги иш ўринлари яратиш борасида бажарилган ишларни эътироф этиш даркор, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари Зафаробод туман кенгаши раиси Матлуба Ҳакимова. — Булунғур туманида 5 гектарлик боғ яратилгани, янги иссиқхонанинг ишга туширилиши одамларни иш билан таъминлабгина қолмай, қўшимча даромад манбаи бўлиб хизмат қилаётгани ҳам диққатга сазовордир.

(Давоми 2-саҳифада).

Шукрона

Бирдамликда ҳикмат кўп

Яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами гўзал ва навқирон Фарғонага ўзгача шукуҳ, тароват бахш этмоқда. Нафақат вилоят маркази, балки Қўқон, Марғилон ва Қувасой сингари шаҳарлар, туман марказлари, вилоятдаги барча ҳудудларда олиб борилган бунёдкорлик ишларидан кўз қувнайди.

Халқимизнинг қадимий анъаналаридан бири бўлмиш умумхалқ ҳашари кўнгилларга кўтаринкилик бағишлаб, кўча ва гузарларимиз янада кўркамлашди.

Ҳашарда юртимизнинг 17 миллиондан зиёд фуқаролари иштирок этганини эшитиб, рости, ўзимни қўйгани жой тополмадим. Ахир, илгари битта маҳалла ёки гузарда ўтказиб келинган ҳашар энди бутун мамлакатга кўчиб, шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва маҳаллалар ободонлаштирилса, ҳамма бир ёқдан бош чиқариб хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшса, ҳашар баҳонасида якка-ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олинса, бу меҳр-оқибат ва бирдамлик байрамининг ўзгинаси эмасми?

Мен истиқомат қилаётган Қирқ кетмон қишлоғида ҳам ҳашар кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Мактаб, боғча, гузар ва кўчаларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳашар асноси фикримиз бир жойдан чиқиб, 400 та хонадон иштирокида қабристондаги эски бино ва айвонни қайта таъмирлайдиган бўлдик.

Халқимиз азалдан тўй ўтказадиган бўлса, ишни аввал ён-атрофни обод қилишдан бошлайди. Бу одат қон-қонимизга сингиб кетган. Қутлуғ байрам арафаси ҳамма жойда янгиланиш, ободонлаштириш ишларига аҳамият қаратилаётгани фикримизнинг исботидир. Биз, кексалар эса, шу кунларга етганимизга шукрона айтиб, доимо юртга тинчлик, хотиржамлик тилаб дуода бўламиз!

Фозилжон ҳожи КАРИМОВ,
Ўзбекистон туманидаги
«Олмазор» МФЙ фаоли

Маданий-маърифий тадбир

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» мавзусидаги маданий-маърифий тадбир Жиззах вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Савобга йўғрилган лаҳзалар

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда энг улуғ, энг азиз байрамимизга муносиб тайёргарлик кўриш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами ва мазмунини янада ошириб юборганини алоҳида таъкидлади.

Касаба уюшма ташкилотларининг фаол иштирокида ўтказилаётган маънавий-маърифий мавзулардаги учрашув ва давра суҳбатлари, акциялар, меҳнат жамоаларида ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирлар халқимиз кайфиятини кўтаришга хизмат қилибгина қолмай, меҳнатда ўрнак кўрсатаётган ходимлар ҳамда ижтимоий ҳимояталаб оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятга моликдир.

Тадбир доирасида ёш оилалар турмуш даражасини яхшилаш мақсадида моддий ёрдам кўрсатилиб, аёлларнинг рўзғор ташвишларини енгиллаштириш, маиший шароитларини яхшилашга эътибор қаратилаётгани эътироф қилинди.

Байрам тадбири иштирокчилари мустақиллик йилларида жамиятимизнинг барча жабҳаларидаги каби касаба уюшмалари тизимида юз бераётган изчил ислоҳотлар, уларнинг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини изҳор этдилар.

Шундан сўнг қишлоқ жойларда яшовчи ва эҳтиёжманд оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй юмушларини енгиллаштириш мақсадида 136 нафар аёлга электр маиший-техника жиҳозлари топширилди.

— Иккинчи гуруҳ ногиронлиги бор, — деди ҳаяжонини яшира олмай Жиззах шаҳрининг «Халқобод» маҳалласида яшовчи Кумуш Холиқова. — Мустақиллик тантаналари ҳар биримизнинг қалбимизга олам-олам қувонч, фахр ва ифтихор олиб киради. Нега қувонмайлик, нега фахрланмайлик: барча саъй-ҳаракатлар инсонлар манфаатига хизмат қилдирилаётган шундай юртда яшаётганимдан бахтиёрман.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 21-avgust № 101 (3450)

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗҒИН

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрда қабул қилинган Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирларига оид қарори асосида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари самарасида Фарғона вилояти маркази тобора чирой очиб бормоқда.

«Равон йўл сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан ўтган йили шаҳарнинг Соҳибқирон Темур ва «Хўжанд» кўчаларида учта кўп қаватли замонавий уй-жой қуриб битказилган эди. Айни пайтда корхона бунёдкорлари Мустақиллик мавзесида «Бахт уйи» биносини қуриш ишларини олиб бормоқда.

Суратда: «Равон йўл сервис» масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Руломжон Мирзараҳимов ва қурувчи Отабек Юсупов.

ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

■ Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тиббиёт тизими тубдан ислоҳ қилинганлиги, эришилган натижалар ва истиқболдаги устувор вазифалар» мавзуида анжуман ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш: ислоҳот ва самара

Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда республика миқёсидаги даволаш муассасалари раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш йўлида улкан қадам қўйилди. Хусусан, халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ҳамда уларнинг шаҳар ва туман бўлимлари барпо этилди. Аҳолига бепул, юқори малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги ва ягона тизим шакллантирилди.

Мамлакатимизда ташкил этилган 3000 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари тизимни ислоҳ қилиш ва унинг қуйи бўғинини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, илгариги фелдшерлик-акушерлик пунктлари ўрнида вужудга келган замонавий тиббий-техник жиҳозларга эга ва умумий амалиёт шифокорлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатаётган ҚВПлар аҳоли саломатлиги даражасини юксалтиришда муҳим ўрин тутаётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Шу билан бирга, вилоят ва туман соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи такомиллаштирилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва малакали кадрлар билан таъминланган ихчам туман тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли шифохоналари ҳамда поликлиникалар ташкил этилди.

Тизимдаги илмий мактаблар асосида хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология, эндокринология йўналишларида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар фаолияти йўлга қўйилди.

Махсус давлат дастури доирасида мамлакатимизнинг барча вилоятларида замонавий она ва бола скрининг ва перинатал марказлари ташкил этилганлиги халқимизнинг сиҳат даражаси янада кўтарилишида муҳим омил бўлмоқда. Натижада, ўтган 23 йил давомида оналар ва гўдаклар ўлими уч баробар камайди.

«Она ва бола скрининги» дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли чақалоқларнинг дунёга келиши 2000 йилдан буён 1.8 марта озайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» миллий модели Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишнинг самарали стратегияларидан бири сифатида эътироф этилаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Кейинги 5 йил мобайнида яхши ривожланмаган болалар туғилиши 1.3 баробарга, 6-15 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўткир респиратор вирус инфекциялари билан касалланиш 9.7, пневмония 49.1, бронхит 32.8, сколиоз 32.7 фоизга камайди.

Соҳада юксак билим ва тажрибага эга бўлган кадрларни тайёрлаш долзарб вазифалардан бири саналади. Айни пайтда шу йўналишда Тошкент шаҳрида Тиббиёт академияси, педиатрия, фармацевтика, шифокорлар малакасини ошириш институтлари, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Урганч, Нукус каби шаҳарларда тиббиёт олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Яқинда Президентимиз ташаббуси билан Тошкент давлат стоматология институти ташкил этилди. Олий маълумотли тиббиёт ҳамшираларини тайёрлашнинг янги тизими яратилди.

Мамлакатимизда биринчи тиббий ёрдам, шошилинч тиббий ва педиатрия ёрдами, ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, онкологик, юқумли ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни даволаш бепул амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, соҳа ривожи учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2012 йилда 2.8 триллион сўм ажратилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 3.4 триллион сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, ўтган йилнинг ўзида тармоққа инвестициялар олиб кириш ҳажми олдинги йилларга нисбатан 3.8 баробарга ошди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

■ Касаба уюшма ҳаёти

Бухоро минтақавий темир йўл узелида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига оид тадбирлар аниқ жадвал асосида мунтазам ўтказиб борилади. Навбатдаги семинар-тренинг «Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги» масаласига бағишланди. Кун тартибидаги назарий машғулотларда минтақавий темир йўл узелига қарашли барча корхоналарнинг раҳбарлари, бош муҳандислари, касаба уюшма қўмиталари раислари ва соҳага алоқадор етакчи мутахассислар қатнашди.

Янгича ёндашув боис

Амалий машғулотлар Бухоро темир йўл масофасида ўтказилди. Ушбу корхонанинг танлангани бежиз эмас. Кейинги йилларда мазкур жамоа маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкамлиги таъминланиб, ютуқлар салмоғи тобора ортиб бораяпти.

— Биз асосий эътиборни касаба уюшмаларида шакллантирилаётган янгича ёндашувларни амалга оширишга қаратганмиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Равшан Янгиев. — Фаолликни оширган ҳолда илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш баробарида ходимларга бугунги кун талабига мос меҳнат шароитларини яратиш, уларни рағбатлантириш, малакасини ошириш, фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиш, сафимизга келиб қўшилаётган ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг асосий мезони бўляпти.

Буни корхонага ҳар йили олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар йўлланма асосида ишга келаётгани ҳам тасдиқлаб турибди. Масалан, ўтган йили Тошкент темир йўл муҳандислари институтини тугатган 6 нафар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 11 нафари жамоа сафига келиб қўшилди. Жорий йилда ҳам 20 нафар битирувчиларни ишга қабул қилиш режалаштирилган.

— Ўтган йилнинг июл ойида Тошкент темир йўл муҳандислари институтини битириб, Бухоро темир йўл масофаси корхонасида дастлабки фаолиятимни бошладим, — дейди Адизжон Аллаёров. — Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси раҳбарлари мени илиқ кутиб олиб, тажрибали, 20 йиллик иш стажига эга бўлган йўл устаси Мухтор Ражабовга шогирд этиб тайинлашди. Бошқача айтганда, назария ва амалиёт яхлитлигига эришилди. Энг муҳими, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун биз ёшларга барча шарт-шароитлар яратилган. Жамоа шартномасида акс этган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланаяпмиз.

— Темирйўлчилик соҳасида 30 йиллик тажрибага эгаман, — дейди корхона йўл устаси, касаба уюшма фаоли Зоир Худойбердиев. — Ўтган давр мобайнида юзга яқин ёшларга устозлик қилганман. Ҳаммаси ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишаяпти, десам хато бўлмайди. Бултур Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежини битириб келган Беҳзодбек Тоғиевни менга шогирдликка беришди. Темир йўлларда техник хизмат кўрсатиш мутахассислигига эга бўлган бу йигит ўзининг зийраклиги, изланувчанлиги ва меҳнатсеварлиги билан тез орада ишончни оқлади. Жамоа мутахассислари синовидан муваффақиятли ўтгач, Беҳзодбек сунъий иншоотлар бригадирлигига тайинланди. Ўйлайманки, у корхона илғорлари сафидан ўрин олади.

Бундай илиқ фикрларни жамоанинг яна кўплаб ёшлари ҳақида эшитиш мумкин. Муҳими, устоз ва шогирдларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари, бу ердаги соғлом муҳит жамоа муваффақиятларини йил сайин кўпайтирмоқда. Натижада, жамоа аъзолари зиммасидаги муҳим вазифа — Бухоро минтақавий темир йўл узели ҳудудидаги Куйи-мозор бекатидан Хўжадавлат (Туркманистон чегараси) бекатигача, Бухородан Қашқадарё ҳудудигача чўзилган «пўлат из»ларда асосий ва шохобча йўлларда жорий таъмирлаш, йўл ўтказгичлари созлигини таъминлаш, темир йўллар кесишмаларини қўриқлаш каби зарур жараёнларда ибрат кўрсатмоқдалар. Буларнинг бари йўловчилар ҳамда хўжалик юкларини ўз вақтида белгиланган манзилларга етказишда ўзига хос аҳамиятга эга.

Корхона касаба уюшма қўмитаси ходимлар малакасини ошириш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини мустаҳкамлаш, темирйўлчиларни махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашда ғамхўрликни кучайтирмоқда. Ўтган йили эҳтиёжманд касаба уюшма аъзоларига 6 млн. 400 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу миқдор 4 млн.200 минг сўмни ташкил этди. Сиҳатгоҳларга бериладиган имтиёзли йўлланмалар сони 2 ҳисса ошди. Ходимларнинг 64 нафар фарзандлари Самарқанддаги «Дўстлик» оромгоҳида имтиёзли соғломлаштирилди.

Бу каби қулайлик ва ғамхўрлик ходимлар кайфиятини кўтариш билан бирга, меҳнат самарадорлигини ҳам кескин оширмоқда.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Мамлакатимизда тадбиркорлар ҳамда хорижий инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ текширишлар сонини чеклаш, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркор қонун ҳимоясида

Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган «Иқтисодиётда тадбиркорлик тараққиёти ҳамда инвестициявий имкониятларнинг ҳуқуқий асослари» мавзуидаги матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Таъкидландики, қонунчилик базасини мустаҳкамламасдан туриб, тадбиркорликни тараққий эттириш ва инвестициявий имкониятларни кенгайтириш мумкин эмас. Сўнгги йилларда қабул қилинган аксарият қонун ҳужжатларида «ишбилармонлик муҳити» тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Бу тушунча ўзида тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олишдан тортиб, то тугатишгача бўлган бутун бир жараённи қамраб олади.

Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари бу борадаги муҳим ҳужжатлар саналади

Жорий йилнинг 7 апрелида Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармон қабул қилинди. Ушбу Фармонга асосан ҳужжатларни тақдим этиш ёки ваколатли органлар билан келишувга доир (ортиқча талаблар бекор қилиниши ҳисобига) 31 та рухсат берувчи тартибот бўйича расмийлаштириш тартиб-қоидаси соддалаштирилди. Шу йил якунига қадар давлат хизматларининг энг кўп талаб қилинган 23 та турини интернет тармоғи орқали интерактив шаклга ўтказиш назарда тутилган.

Шунингдек, 2014 йил 1 октябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида махсус «тадбиркорлик субъекти кабинети» ишлаши, молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш, тақдим этиш йўлга қўйилиши, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, коммунал тўловларни, лицензия ҳамда рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни кўриб чиқиш, уларни олишда тўланадиган йиғимларни, давлат божларини Интернет-банкинг тизими орқали тўлаш каби_ имтиёзларнинг жорий этилиши тадбиркорлик фаолияти ривожига хизмат қилади.

Бундан ташқари, матбуот анжуманида тадбиркорлар ҳамда хорижий инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхтаб ўтилди. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорликка, шунингдек, хорижий инвестицияларга оид қонун ҳужжатлари ижро этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 529 та ноқонуний қарорлари бекор қилинди. Тадбиркорлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг манфаатини кўзлаб, судларга 11,5 миллиард сўмдан ортиқ 766 та даъво аризаси киритилди.

Журналистлар соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича қонун ижодкорлиги, тадбиркорлар билан ўтказилаётган «Очиқ эшиклар куни», «Ягона ойна» марказлари фаолияти ҳақида ҳам маълумот олдилар.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

■ Таътил — 2014

Ёзги таътил вақтида умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари вақтини мазмунли ўтказиш касаба уюшмалари зиммасига қўшимча масъулият юклайди.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

— Июн ойида 50 нафар педагог ходимни Самарқандга саёҳатга олиб бордик, — деди биз билан суҳбатда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ туман кенгаши раиси Алишер Хонназаров. — Бундан ташқари, ҳозирга қадар 55 нафар ходим республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида ўз саломатлигини тиклаган бўлса, педагогларнинг 225 нафар фарзанди туманимиздаги Мирзо Улуғбек ҳамда Йўлдош Охунбобоев номидаги оромгоҳларда мириқиб дам олишди. Оромгоҳларда туман кенгаши томонидан турли спорт тадбирлари ўтказилиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди. Айни пайтда педагогларнинг анъанавий август кенгаши шўъба йиғилишига пухта ҳозирлик кўрмоқдамиз.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

■ Бошланғич ташкилотда

Туман тиббиёт бирлашмасида 2338 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилади. Сўнгги уч йилда жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходим учун сарфланган маблағ уч бараварга ошди.

ҒАМХЎРЛИК

Тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида турли байрамларда моддий ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари, жамоа шартномасида белгиланганидек, мактаб ёшидаги фарзандларига ўқув қуролларини олиб бериш, яқин кишилари вафот этганда, янги оила қураётганда, меҳнат таътилига чиққанда соғлигини тиклаш ва бошқа имтиёзларга оғишмай амал қилаяпмиз.

Тиббиёт соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар ҳамиша эътиборимизда. Жумладан, шу йил июл ойида фахрийларимиз Жўрабой Нурматов, Умидахон Қорашева ва Нодира Ихволдинова хонадонларига бориб, совға-саломлар улашилди.

Ўтган олти ойда 72 нафар аъзога моддий кўмак берилди. 11 нафар ходим «Чимён», «Косонсой», «Чортоқ», «Зомин» ва «Чинобод» сиҳатгоҳларида бўлиб, соғлигини тиклади. Бундан ташқари, 90 нафар ходим Фарғона вилоятидаги «Еттибулоқ», «Косонсой», «Булоқбоши» дам олиш жойларига юборилди.

Ўктамжон МАМИРОВ, Марҳамат туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Самарқанд автомобил заводи бошланғич касаба уюшмаси фаолияти билан танишув ва у ердаги қизғин мулоқотлар барчада катта таассурот уйғотди. Таъкидлаш жоиз, бу ерда бошланғич ташкилот нафақат ходимлар, балки уларнинг оила аъзоларига эътиборли. Анъана тусини олган «Очиқ эшиклар» кунини ўтказиш катта самара берётир. Видеороликлар орқали меҳмонлар ана шу тадбир билан яқиндан танишди.

— Ходимлар оила аъзоларини амалга ошираётган ишлари билан яқиндан таништирибгина қолмасдан, балки иқтидорли фарзандлари ўртасида ижодий танлов ва кўргазмалар ўтказилишига ҳам бош-қош бўлишмоқда, — дейди Жиззах вилоят «Ҳудудий электр тармоқлари» корхонаси ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳом Ўринов. — Ҳар бир корхонада шундай тадбирларни ташкил этиш керак. Ана шунда оилада катталар нима билан бандлиги хусусида тўла тасаввур пайдо бўлади.

Мамлакатимиз кўчаларини тўлдираётган «ISUZU» автобуслари ишлаб чиқариш жараёни ҳам меҳмонларда зўр қизиқиш уйғотди. Завод ишчилари бажараётган ишлар, цехлар фаолияти билан танишув, ишчилар билан мулоқот уюштирилди. Бир йилда 4 мингта автобус ишлаб чиқаришга эришаётган улкан корхонада ходимларга яратилган шароит, меҳнат муҳофазаси намунали тарзда ташкил этилгани эътироф этилди.

— Мазкур завод фаолияти билан танишиб, мамлакатимиз автомобил саноати гуркираб ривожланаётганига яна бир карра шоҳид бўлдик. Қаранг, бундан йигирма йил олдин ҳатто велосипед ишлаб чиқариш муаммо эди. Бугун юртимизда ишлаб чиқарилаётган автотранспорт воситаларининг хорижликларда ҳам ҳавас уйғотаётгани ҳар биримизга ғурур бағишлайди, — дейди Жиззах давлат педагогика институти касаба уюшма қўмитаси раиси Исмоил Мўминов.

Корхонада изланиш, интилиш бир зум ҳам сусайгани йўқ. Шаҳар ичида қатнашга мўлжалланган қулай, бежирим, қатор афзалликларга эга янги автобус ишлаб чиқаришга киришилган. Бу автоуловга ҳозирданоқ қатор хорижий давлатлар харидор бўлиб улгуриб-ди. Касаба уюшма вакиллари ана шу янги автобуснинг илк йўловчилари бўлишди.

— Йўловчилар манфаати ҳисобга олингани менга манзур бўлди, — дейди Жиззах вилоят Акушерлик комплекси касаба уюшма қўмитаси раиси Насиба Раҳимова. — Ҳатто ногиронлар аравачасида автобусга чиқиш имкони яратилган экан.

Касаба уюшмалари маблағига бунёд этилган «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасида яратилган шароит жамоатчи ташкилотчиларга манзур бўлди. Одатда меҳмонхона тунаш жойи саналади. «Нодир Самарқанд»да эса дам олиш баробарида танани чиниқтириш, спорт билан шуғулланиш учун ҳам шароит бор. Шу ернинг ўзида турли тадбир ва конференциялар ўтказиш мумкин.

— Ҳамкасбларимиз фаолияти билан танишиш баробарида, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандни томоша қилиш имкониятига ҳам эга бўлдик, — дейди тажриба алмашувчилар гуруҳига раҳбарлик қилаётган Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири Икром Юнусов. — Эндиликда иш фаолиятимизда самарқандликлар тажрибасини ҳам қўллашга келишиб олдик. Бунда бизга қадимий диёр таассуротлари илҳом берса, ажабмас.

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан тайёрланган бир кунлик тадбирлар дастури қизғин мулоқотларга бой бўлди.

Ўз мухбиримиз

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган нефт ва газ саноати соҳаси фидойиларини, шу жумладан, корхонамиз ишчи-ходимларини

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан чин дилдан муборакбод этади!

Она юртимиз янада ривож топиб, хонадонларимиз файз-баракага тўлсин!



Энг улуғ, энг азиз байрамимиз ҳаммамизга қутлуғ бўлсин!

Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Бунёдкор халқимиз ва соҳа ходимларини Истиқлолнинг 23 йиллиги билан самимий қутлайди. Дориломон кунлар шукуҳи ҳамиша ҳамроҳимиз бўлсин. Қалбларимизни эзгулик ва гўзаллик ҳеч қачон тарк этмасин!



Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

I. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Миробод (Кунаев) кўчаси, 25-уй манзилида жойлашган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги бино қисми ва ундаги мол-мулклар.

